

Эбеш илликни муқддиган илгари банжарайлик!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

21-ИЙЛ
ЧИКИШИ

№ 61 (5154).

27
МАРТ
ЧОРШАНБА

1974 ИЙЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ ВА А. А. ГРОМИКО
Г. КИССИНЖЕР БИЛАН СУХБАТЛАШДИЛАР

25 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри, А. А. Громико АҚШ давлат секретари, президенти миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер билан суҳбатлашди.

Суҳбатларда Совет томонидан СССРнинг АҚШ даги элчиси А. Ф. Добрынин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР Ташқи ишлар министри Г. М. Корниенко; Америка томонидан АҚШнинг СССРдаги элчиси У. Стессел, давлат департаментининг

масъул ходимлари Х. Сонненфельдт, А. Хартман, У. Хайлэнд қатнашди.

25 мартда КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари, президенти миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Г. Киссинжер шарафига нонушта аёбдот берди.

Зиёфат вақтида А. А. Громико билан Г. Киссинжер нуқ сўзлашди.

Нонушта аёбдот дўстона вази-
ятда ўтди. (ТАСС).

ПИЛЛАКОРЛАР
ТАРАДДУДИ

Оқдўғон район пиллакорлари КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан бу йил ҳар қуту пилла уруғидан пландаги 51,5 ўрнига 67,5 килограмдан «қумуш тола» етиштириш мажбуриятини олди. Юбилей йилида давлатга 110 тонна пилла етказиб берилади.

Пиллачилар мутахассисларнинг таълифига кўра 1300 та темир сўри тайёрланади. Бу икки қаватли сўри пиллакорлар учун жуда қўлай. Қўз фаслида 500 минг тупга яқин тут қўчати экилади. Шунинг ўзи 5 тоннадан ортиқ қўшимча пилла етиштириш имконини беради.

— Бу йил ўтган йилгига нисбатан 10 тонна кўп пилла етиштирилади, деди район пиллачилар идорасининг бошлиғи Б. Маширамов. — Шу маънада 450 та барг қирқадиган қайиш, дастлаб пилла теридиган машина, 23 минг донга сунъий даста сотиб оламиз. Бунинг ҳаммаси районимиз пиллакорлари учун янглик!

Оқдўғонлик пиллакорларнинг бу йилги ҳаракати ҳар йилгидан зўр. Улар ганимат фурсатларнинг ҳар бир дақиқасидан янада самарали ва унумли фойдаланиб, мавсумга беками-қўст ҳоширлик қўришга ҳаракат қилмоқдалар.

Н. БАХРОМОВ.



ПУХТА ЗАМИН

Бекобод районидagi Дзержинский номи колхоз сабзавоткорлари дала ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Колхознинг Шарифа Исокова бошлиқ бригада сабзавоткорлари шу кунларда қарам экинни қизғин олиб боришмоқдалар. Улар бу йил ҳар гектар ерда 30 тоннадан ошириб қарам етиштиришга аҳд қилишган. Суратда: бригаданинг илгор сабзавоткори Хайри Исокова.

Қ. Розиков фотоси. ЎзТАГ.



«Победа» колхози механизаторлари Бекобод районидagi биринчи-лар қаторида экин агрегатларини мавсумга тайيار қилишди. Шу кунларда техникаларни қайта қўздан кечирмоқдалар. Суратда: илгор механизаторлардан Т. Боймуродов ва Т. Қаршибековлар.

Т. Махкамов фотоси.

ЭКИШГА ТАЙЁРМИЗ

Бизнинг ҳўжалигимиз қўриқ ва бўз ерларда ташкил этилган.

Ҳўжалигимизда пахтачилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Ўтган йили механизаторлар, илчилар социалистик мусобақани кенг қўлчи ёйдириб, техникадан унумли фойдаланишди. Ётиларнинг нобуд бўлишига йўл қўйишди. Чигит сифатли ҳайдалган ва текисланган ерларга экиди. Ёзуани сўриш, чопиқ қилиш ва бошқа ишларнинг ҳаммаси агрегатор техника талабларига мувофиқ ўтказилди. Оқдўғонда совхоз бўйича ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил кескин ошди. Давлатга 8 минг 100 тонна пахта етиштириб берилди.

Коллективимиз ҳеч вақт бундай кўп ҳосил етиштирмаган эди. Шунингдек деҳқончилик маданиятини оширишда катта тажриба тўиланди. Қў-

гина мутахассис кадрлар етишиб чиқди. Кекса сўчилар ёшларга ўз касбларини ўргатди. Тракторни, терим машиналарини бошқарадиган механизаторлар қайта тайёрланди. Ҳосилини йиғиштириб олиш уюшқоқлик билан ўтказилди.

Бу талабалар бизни йилги зафарларга чорламоқда. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати коллективимизни ҳам янада баракали меҳнат қилишга даъват этади.

Совхозимиз пландаги 27 ўрнига камиди 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш ва давлатга 9 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олди. Бунинг учун барча шайорлар мажбур. Айниқса, қам ҳосил-ли бригада ва участкаларини илгорлар даражасига кўтариш, ерларнинг мелiorатив аҳволини яхшилаш ҳисобига ҳосил-

дорлиқни қўлайтириш мумкин. Янги-янги ерлар очиб билан бирга қишлоқ ҳўжалиги оборо-тида бўлган мажбур ерларнинг умумдорлигини оширишга ҳаракат қиламиз.

Ўтган йили мен янги ерлардан 65 гектарини ўзлашти-риб, чигит эдим. 26 ўрнига 30 центнердан ҳирмой қўз-тирилди. Янги ердан бир йил-нинг ичида юқори ҳосил оли-ди. Аммо бригаданимиз аъзолари бу билан қаноат ҳосил қил-ганлар йўқ. Бу йил ана шу ерин минерал ва маҳаллий ўғитларга тўйдириб, ҳосилдор-лиқни 35 центнерданга етла-зишга ҳаракат қилаймиз. Шу мақсадда қўқдам экинга тай-ёрларни қўриш соҳасида ан-чагина ишлар амалга ошириб қўйилди. Минерал ўғитлар та-пиб келтирилди. Маҳаллий ўғитларни тўплаш ва кузда шурдгор қилиб қўйилган ер-

ларга сочиш қизғин тус олди. Ҳўжалигимизда, шу жумла-дан бригаданимизда қўқдам экин кампаниясини бекаму-лиг ўтказиш учун пухта тай-ёрларни қўришди. Айниқ-са, чопиқ, ҳайдор тракторла-рини ремонт қилиш қисқа вақт ичида сифатли қилиб та-момланди. Ер танислаш, чи-гит экиш, ўғит солишдан ап-паратлар ҳам ремонтдан чиқа-рилди.

Беш йиллик план топшириш-ларини муудатидан олдин ба-жариш учун бошланган умум-халқ социалистик мусобақаси-да қатнашиб, барча майдон-ларда экинни 5—7 иш куни-да тамомлаш учун ҳаракат қиламиз.

М. КОВАЛЕВА,
Бўқа районидagi «Бўқа»
совхозининг бригада бош-
лиғи. Социалистик Меҳ-
нат Қаҳрамони.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Пойтахтимиздаги холоди-лик заводи коллективни ҳар йил «Қизил шабалик»ни уюшқоқлик билан ўтказишга одатланиб қолган. Қорхона иш-чи-хизматчиларининг бу галги белгилаб қўйган режалари ҳам улар. Меҳнатсеварлар 20 ан-рекин тўлиқ иш кунини деб эълон қилиб, ўз дастдоҳлари ёнида бўлишга қарор қилишди.

Шабаликда жамми 112 минг сўмлик холодилик, кар-низ, қоробка ва бошқа маҳсу-

лотлар ишлаб чиқарилади. Жумладан: 100 та холоди-лик, 100 та дераза қариниз, 160 та яқин иш сақланадиган қоробка ва бошқа буюмлар тай-ёрланади.

Штамплаш-тайёрлов цехи коллектив эса шу кунини фақат тежалган хомашлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаради. Ин-женер-техник ходимлар ҳам умумхалқ хашаридан четда қол-мишайди. Улар қорхонага ту-таш кўчаларини тозалашди, ариқ-зовурларини тартибга кел-тиришди, турли хил кўчатлар ўтказишди. Бир сўз билан ай-тганда, завод меҳнаткашлари шабаликдан тушган маблағдан бир ярим минг сўмлик бейиш-лик фондига ўтказишди.

ЖУРНАЛИСТЛАР
СОЮЗИ ПРАВЛЕ-
НИЕСИНИНГ
ПЛЕНУМИ

26 мартда Ўзбекистон Жур-налистлар Союзи правленисининг пленуми бўлиб ўтди. Пле-нум қатнашчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартия-сининг 50 йиллигига таъбирлар-лик мубоабати, билан респу-блика матбуоти, телевидениеси ва радиоси ходимларининг вази-фарларини муҳофиза қилишди. Союз правленисининг раиси З. Н. Есенбеков доклад қилди.

Пленум Африна диктаторлик режимининг грек демократла-рини таъқиб этишига қарши рес-публика журналистларининг но-роиялиги нахор этилган резолю-ция қабул қилди. (ЎзТАГ).

СССР ОЛИИ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА
МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТНАЗУВЧИ
САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

СССР конституциясининг 35-моддасига ва «СССР Олий Со-ветига сайлов тўғрисидаги Низо-м»нинг 25-ва 26-моддаларига биноан СССР Олий Совети Президиуми 1974 йил 25 март фармони билан Миллатлар Советига сайлов ўт-назувчи 750 та сайлов округи-ни тўзиш шў жумладан:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУНИЧА
115. Тошкент—Ленин сайлов

округи (маркази—Тошкент ша-ҳри).

Тошкент шаҳрининг Ленин, Куйбишев ва Ҳамза районлари.

116. Тошкент—Чилонзор сайлов округи (маркази—Тошкент ша-ҳри). Тошкент шаҳрининг Сергели, Фрунзе ва Чилонзор районлари.

117. Тошкент—Октябрь сайлов округи (маркази—Тошкент ша-ҳри). Тошкент ш ҳ шнинг Киров,

Октябрь ва Собир Раҳимов рай-онлари.

118. Ангрен сайлов округи (маркази—Ангрен шаҳри). Ангрен шаҳри, Красногорск, Чигирчи по-сёлкалари билан Янғиобод шаҳри ва Тошкент областининг Оқдў-ғон, Охангарон ва Ўрта Чирчиқ районлари.

119. Бўқа сайлов округи (мар-кази—Бўқа посёлки). Олмалик, Бекобод шаҳарлари ва Тошкент

областининг Бекобод, Бўқа ва Пискент районлари.

120. Чирчиқ сайлов округи (маркази—Чирчиқ шаҳри). Чирчиқ шаҳри ва Тошкент областининг Бўстонлик, Юқори Чирчиқ ва Ор-жоникдзе районлари.

121. Янгийўл сайлов округи (маркази—Янгийўл шаҳри). Ян-гийўл шаҳри ва Тошкент области-нинг Калинин, Кўйи Чирчиқ, Чи-ноз ва Янгийўл районлари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА БОШОҚЛИ ДОН ВА БЕДА
ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
26 МАРТАГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — дон экин, гектар ҳисобида, иккинчи у-стун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида, учинчи у-стун — экинган беда, гектар ҳисобида, тўртинчи устун — топ-шириққа нисбатан процент ҳисобида.

Янгийўл	795	133,7	840	72,4
БЕКОВОД	2.002	129,4	1.387	80,2
ЧИНОЗ	1.557	122,7	996	67,3
КАЛИНИН	540	103,5	1.088	97,0
БўҚА	712	102,8	876	73,0
ОХАНГАРОН	1.345	100,0	930	51,0
Кўйи Чирчиқ	230	88,6	1.300	148,0
Юқори Чирчиқ	5.586	76,1	1.181	62,4
Ўрта Чирчиқ	3.500	75,9	706	64,0
Оқдўғон	69	75,0	1.036	101,1
Пискент	388	57,6	336	35,0
Бўстонлик	537	32,4	306	28,3
Оржоникдзе	15	4,2	411	45,1
область бўйича	17.275	83,1	11.397	69,6

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА
ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ
26 МАРТАГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — экинган сабзавот, гектар ҳисобида, иккин-чи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида, учинчи устун — экинган картошка, гектар ҳисобида, тўртинчи устун — топ-шириққа нисбатан процент ҳисобида.

ЧИНОЗ	87	117,6	98,0	150,8
Пискент	83,5	87,9	25	125,0
Оржоникдзе	2.226	78,4	855	109,7
Калинин	2.704	77,0	1.374	100,3
Ўрта Чирчиқ	75,5	74,5	47	31,4
Оқдўғон	74,5	63,7	24	68,6
Бўстонлик	638	60,3	281	37,5
Охангарон	429	58,9	338	84,6
Юқори Чирчиқ	84,5	56,3	145	48,3
Бекобод	160,5	53,5	63,5	105,0
Кўйи Чирчиқ	38,3	52,4	34,5	68,1
Бўқа	39,3	42,2	212,5	184,8
Янгийўл	339,8	42,2	212,5	184,8
область бўйича:	6.981,6	69,8	3.409,5	88,4



БАҲОР ТАБАССУМИ

КУЖЛАМСОЗИ

Нақадар яхши, табиат чертди кўлам созини,
Завқ шавқла азиз эл тинглади овозини,
Уйғониб қиш уйқусидан ташлади ер овозини,
Кониот тўйига шовилди бошлади парвозини,
Тонгда кўрдиқ мушдаларини, қушларнинг парвозини,
Кеч-қушдуз тенглашиб наврўзи оламдур буқун,
Хар юрак тўйқона, хар уйда байрамдур буқун,
Меҳнат уюш қамолот бирла ҳамдамдур буқун,
Қанча кўн татрифтасан бу фасл учун камдур буқун,
Тинглагач эллар қувонди бу баҳор овозини,
Тонгдаёқ деҳқон ҳаёти кўчди куз хирмонига,
Аҳди паймонига қойил, офарин виждонига,
Шайланиб сочмоқда дурлар пахтаи майдонига,
Ер юзин таклиф этар бу йилда, дастурхонига,
Шўх келинчадек ясангирди баҳор танидонига,
Зўр таралдуд, олий ҳиммат, бениҳоят, беқисс,

Мисли йўқ бу эҳтирос албатта олтин тўйга мос,
Элқамиз бўйлаб кўш ёйди чиқиб заррин палос,
Э қадронлар, азизлар, ёру дўстлар илтимос,
Хар нафасда ортирайлик бу баҳор эъзоини,
Бу баҳорнинг ҳислати 50 баҳорга тенглашур,
Илми ирфон ҳикмати 50 баҳорга тенглашур,
Гаҳари ҳам неъмат 50 баҳорга тенглашур,
Ер юзиди шухрати 50 баҳорга тенглашур,
Минг газалга ёзсақ арзир бу баҳорнинг ёзини,
Бу баҳор шундай баҳордурки бир олам сеҳри бор,
Орқасидан эртанги келмоқда минг шайдо баҳор,
Тинчлигу дўстлиқ баҳоридир жамолнинг, э дийр,
Сенга минг Чустий тасаддиқ, Содиринг ҳам жон нисор,
Лутф ила ўрнида кўргил икковининг озини.

ЧУСТИЙ,
Эркин СОДИР.

ДАЛА ЧОРЛАЙДИ

Кўнглимни қитиқлар яна навбаҳор,
Дилимда ҳаётнинг нашо намоси,
Ажойиб тонларни кутанам бедор,
Эгача завқ берар наврўз сафоси.
Яна юрагимда қайнаб-жўшмоқда
Кўклай ҳақиқат қўшиқ, шеър, газал.
Шодмонлик устига сенинг қўшмоқда
Яна сайрашди қушчалар тинмай,
Баҳор шаклидаги илҳомбахш гўзал.
Хайр қасдасини ўқиб бошқача,
Ишга тушиб кетди асло эринмай
Қишда соғинтирган зўр Кўшгача.
Хар ёнда кўяманиш, ажиб бир кураш,
Қизлар ўсма экар, йигитлар ниҳол,
Ҳовлида кетмонча, белкуррак талаш,
Меҳнатда ҳақиқий иқбол, истиқбол.
Деҳқон-чи, белини маҳкамроқ боғлаб,
Она ер тупроғин олар қафтига.
Беш миллион тоннани астойдил чоғлаб,
Қарайди офтобга, замин тафтига.
«Сара уруғларнинг мағзин тўқимакан,
Бирорта пучаги тагин йўқимкан?»
Муқаддас ташвишда суратди ҳаёти,
Улкан курашдадир бутун эр-аёл,
Заминчи, офтобга бериб тўйини,
«Баринга олай — дер — тезроқ чигитин».
Миршор деҳқоннинг буюк қўшини
Далага чорлайди қиз-у йигитни.
Беш миллион тоннали пахта хирмони,
Бутундан кўтарар тоғдек қаддини,
Ўзбекининг азамат, танти деҳқони
Дала кезди-ю, ўйлар аҳдини.
Ўйлайди ўзининг чин навбаҳори
Бултурги кузакдан бошланган чоғни.
Қафтида чигити юрт пахтакори
Ҳозирдан чамалар иқбол чаногини.
Ўйлайди кузакнинг тўғасини
Эртанги ишқила юрак, сезилар.
Силангандек Ернинг пешонасини
Қафтида тупроқни аста эгилар.

Ҳамид НУРИЙ.

МАЙИН ЕЛЛАР

Тинчлашди зангори оёмон,
Майин силар юзининг еллар,
Дилраболар кулгисини,
Кўш бутун мулоим кулар.
Бу — баҳор!
Шовуллайди ажойиб савдо,
Бинафшалар хушбўй уфурар.
Сой ҳам оқар ўзгача ҳатто,
Олчилари жаранглаб турар.
Бу — баҳор!
Богда қушлар навоси авжа,
Атиргуллар чехраси хандон.
Қўшиқ келар, юраклар мавжа,
Қулаф уради орано армон.
Бу — баҳор!
Сени қўлаб ушбу айёмда,
Мен ишқидан айтмакман роз.
Гуллар аро кезсам оқшомда,
Севгинг менга қайтарар овоз.
Бу — баҳор!
Санджон МУСТАФОЕВ.

СЕНГА

Кўш хар кун бир карра
Сенга боқар
Бағринга
Шуъаллар сочмоқ учун
Баҳор чоғи
Тераклар яшиллар,
Яшнаиб,
Чиройинг очмоқ учун
Дарёлардан сув олиб
Учар булут —
Тагин сенга ёмғир бўлиб
Тушар булут!
Инсон ҳам шундай,
Гуллардан
Неъматлардан
Таралган бўйлариндан,
Сувлариндан,
Эмгириндан,
Нурлариндан,
Хазинадан,
Хазинада тўлганган
Куйлариндан
Қуваат олар ўзига,
Ингиб кўчин —
Яна сенга қайтариб
Бермоқ учун!
Энвер СЕЛЯМЕТ



ГУЛЧЕХРАЛАР юзиде баҳор жилоси.

Ш. Иброҳимов фотоэтойди.

ЎЛКАМ ҲАВОСИ

Мовий кўнда юлқинар
Хабар бериб баҳордан
Тушга кириб ишқ ичирар
Сархуш бўлиб тўлганар

Уйғотаркан борлиқин баҳор,
Тенгсиз кудрат айледи ато,
Гўёлар ҳам олий куч-мадор,
Ериб чиқди асфальтин
Дилни ўртаб мисли алағи
Яшнаб кетди қизлар дудогини
Қирмиз лаблар ўт пурқар

Кўнгли қумсар севги
Тўлиб кетар таниш қўшиққа
Мартдан бошлаб ўлкам
Дилга оқар синамай уфққа,
Майин янграб қушлар

Анвар ИМИНОВ.

НАҚҚОШ

Бунёд этиб куртак, яроқни,
Завқ берасан хар бир кўнглига,
Яшарсан қир, боғу-роғини,
Дов-дархатни ўрайсан гулга.

Иратувчи халқини, юртдошини
Заҳматчи борми заҳматини?
Элга манзур бўлсин деб ишини,
Тер тўқидингиз олмай сира тини.

Кор остида олсин деб ором,
Тобалдини Ойа-Ерин, айт?

Кузат, бинар қишга эҳтиром,
Мана, энди мангай терини арт!

Наққошмисан, ўлкам боғларни
Безайсану, берасан зарҳал,
Турфа гуллар, келган чоғларинг
Машғалдек товланар я-ял.

Андозин баҳор, элимдан
Олганмисан, ё элим сендан?..
Шу саволлар ўтиб дилимдан,
Ўйлайман-у, ечолман чиндан.

Билсанг, тушлар уйқудан кечиб,
Жавоб топпоқ бўлман минг бор.
Бу саволни булурин ечиб,
Иккинчиз ҳам булгач ижодкор!

Музаффар ТУРОВОВ.



КўПИРГАН гулларда баҳор навоси.
В. Салов фотоэтойди.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ОДАМ НАФАСИ

Баҳор фасли эди. Ёлғиз ўзим
қирга чиндим. Кўм-кўн адир-
ларда гилам бўлиб очилган ло-
лалар оғушида қолдим. Шаб-
намда чўмилди, нурли жилдола-
наётган майаларга бурқилиб
ёлдим. Узоқ-узоқлардан ишчи-
лаётган булбуллар хонини, эн-
гил шиболарда аста бош эгиб
сикланган ранг-баранг гул-
лар ишмаси табиатга ўзгача
файз бахш этган. Ташна бўлиб
булоқ бўйига бордим. Унинг
биллур зарраларига юзини тў-
тиб тўйиб-тўйиб сиқордим.
Нақадар гаштли ва тодди бу
дамлар.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ.
Атроф гўзал ва сарваз бўли-
шига қарамай қалбимни суку-
нат емирди. Дилим аллақан-
дай соғинч ўти билан ёнади.
Кўз ўнгимдан дўстлар қиёфаси
бир-бир ўта бошлади. Одамлар-
сиз яшаш қийинлигини шунда
яна бир бор ҳис этдим. Нарчаб
ҳаёлга толдим. Энди негизди
бутун чамалар ҳам кўзимга
хира кўрина бошлади. Шу
пайт баланд адирлар ортдан
тўпол пайнинг майин овози
эшитилди. Мен инсон нафаси
келатган томонга йўл олдим.

БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Дўстим қувончини қалбига
сигдира олмайпти. У биринчи
бор ота бўлди. Икковиниз гул-
даста олиб, туғурқхонага йўл
олдик. Бу ерда бизга ўхшаган-
лар жуда кўп. Улар ҳам ўз ра-
фиқаларини қўлга олиш кели-
шибди. Бир-биринини янги
меҳмонлар билан табриқладик.
Шу пайт бизнинг шўх хазилла-
римиз, қувноқ хандаларимизга
шох дарахлардан ортдан
эшитилаётган гўдак йиғиси кў-
шилди. Гўдак йиғиларни, Ҳам-
маиш бир нафас жим қолдик.
Кейин эса ҳаммаимиз чех-
рамизда табассум ёлқинладик.
Гўдак йиғиларни. Унинг овози
ҳаммага қувонч бахш этди.
Ҳаммаимиз нигоҳи ўша томон-
га қадалди.

ТАБАРРУК ЗОТ

Кимдир қазо қилибди. Унинг
тобунини кенг қўчада елкадан
елкага олиб, қабристон томон
боришмоқда. Марҳумини бутун-
лай таннимага йўлловчилар ҳам
пошониб келиб, тобунини елка-
ларига олишди. Ана автобус
шофери машинасини четга бу-
риб тўхтади. Тезлик билан
кабинадан тушиб, у ҳам бир
муддат тобунини елкасига олди.
Манави йигитни ҳозиргина том
устиде кўргандим. Энди бўлса
у ҳам шофернинг ёнига қўшил-
ди. Бундай йўловчилар сонин
кўпайиб боради.

Уларнинг ҳеч қайсиси мар-
ҳумини танишмайди. Унинг
каб-корини ҳам билишмайди.
Лекин уни бошлари ўзра ку-
таргудек бўлишади. Шунда
отанинг «инсондан азиз, ин-
сондан табаррук зот йўқ» де-
ган сўзлари ёдимга тушди.

МЕҲРИ ДАРЁ

Она бир дунё орзу билан
яшарди. Ишонган боғи, суя-
нган ёғи яхши-ю ягона фарзан-
ди эди. Фарзант ноқобил чи-
ди. Онанинг сочларига қиров
қўйди. Аммо ҳамон катта
ишчи билан яшарди. Ёш, йўл-
ни топиб олар, деди у.

Ўғли унинг ишончини оқла-
мади. Она чехраси аяқларга
тўлди. Лекин уни умид тарк
эتماди. Орқамда қолсин, ёмон-
лар яхши бўлмабдими деган
ҳаёл билан яшарди. Кўз-қорачи-
нидан насихатини аямади.

Аммо фарзанд она қалбини
янада оғирроқ жароҳатлади. У
ўз дўстининг жонига қасд қил-
ди. Онанинг қадди буклиди,
кўзлари хиралашди. Фарзанди
қилмишга яраша жазо олди.
Аммо она ҳамон эшик пойлай-
ди. Ўша битта ёмонини ўйлай-
ди.

Санджон ҲАСАНОВ.

Республикамиз ва Ўзбекистон
Компартиясининг ақиллашиб ке-
лаётган 50 йиллик юбилейини
ўйлаганимизда фақат шу бутун
қўлга киритилган ғалабаларимиз-
га эмас, ўтмиш тарихи, бахтимиз
учун курашганларнинг сиймоси
ҳам кўз олдимизга келади.
Халқимиз ўтмишга бағишлан-
ган бадиий асарлар адабиётимиз-
да салмоқли ўринни эгаллади.
Ойбекнинг «Қўлғу қон», «Бола-
лик», Абдулло Қадҳорнинг «Ўт-
мишдан эртанлар», Ҳамид Гу-
ломнинг «Машғал», Мирзақалон
Исмомилнинг «Фаргона тоғи от-
гунча» каби қатор асарлари шулар
жумласидан. Шу маънода ёзувчи
Назир Сафаровнинг «Кўрган-ке-
чирганларим» номи афоброгра-
фик ҳиссаси ҳам характерлидир.
Адиб мазкур асарда халқимиз-
нинг ақли ўтмишга муносабат қи-
ладиган ҳамда бевосита ўш гувоҳ
бўлган воқеалар баёнида унинг
реалистик картинасини чизиб бе-
ради.

Яқинда адиб шу асарнинг мар-
ҳумини давомий ҳисобланган иккин-
чи китоби — «Наврўз»¹ ни ёзиб
тутатди. Бу асарда ҳам асосий
воқеалар Назирқул атрофида ке-
чади. Муаллиф катта иқтисодий
воқеаларни ана шу ёш Назирқул
тили билан содда бир тарзда ҳам
қўйди. Шунинг учун ҳам биз
унда ўтмиш тарих саҳифаларига,
деҳқонлар, ҳунармандларнинг оғир
ҳаётига дуч келамиз:

«Мусулма ҳолам анчагача ўзи-
га келолмай хомуш бўлиб ўтирдик.
Онам: «Тинчимсенлар, дугона?
Салим почтам соғимлар!» деб

1) Назир Сафаров. «Наврўз»,
Гафур Ғулом номидаги адабиёт
ва санъат нашриёти, Тошкент,
1973 йил.

«Қуллуқ!

ТОҒЛАРНИ ТИНГЛАБ

Бўстонлиқ тоғлари — табаррук тоғлар,
Хар баҳор яшарар ешини унгутиб,
Қаддини тик тутиб, қоматини чоғлар,
Гўёки тургандай кинидир кутиб...
Сарбаланд, басавлат, қўҳна чўққилар,
Эслатар нуруний марҳум отанин,
Бог-роғлар эркалаб, ғамин йўқ қилар,
Елга олма, дед... энди мотамин,
Бекасам тўн кийган қиру-адирлар,
Ипгитлик пайтимдан айтди дoston.
Отамдей бағрига босиб қадларар,

Дер: — Ўғлим, қопимга келдингми ростдан?
Чиндан отам бўлиб қаршимда сўйлар,
Кўк билан ўпнатган Чотқоли азим.

Опоқ бошини эгиб, сукутда ўйлар,
Мен «еса қиламан эгилли таъзим».
У дер: — Ўйнаб-қулгин кенг кўкрагимда,
Илтиш юрагиндан арисин гўбур.
Раҳмат суяйсан мен керагимда,
Ўзинг ҳам ёлғиз тоғсин сериқор,
Мақсадим юксак бўл, чўққидан сен ҳам
Одамлар кўрганда қилсинлар хавас.
Қалбим чаман бўлсини, гулласин хар дам,
Ишиндан элу-юрт рози бўлса, бас.
Лекин камтарлиқини тарк этса бир он,
Дарёни ардоқлаб дом этгил ёд.
Билиб қўй, сийнанинг мунаввар жаҳон,
Қилгучи наسدгаи шу оби-ҳаёт.

Исигу-совуққа бер дом бардош,
Бир умр нолима, сен ҳам отасан.
Шунда йўлдош бўлар ҳақиқаи кўш,
Шунда мурудинга, албат, етасан.
Бардошу вафони, меҳру сadoғат,
Барини сингдиргил тани-қошига,
Бўрондан чўчима, айлағил тоғат,
Офарин десинлар дил эҳсонинга.
...Чуқрида туринган атрофини тинглаб,
Бирдан тиниб қолди тоғлар садоси.
Сўнг унинг сўзларини кўрдиш тенглаб,
Айлаб олдим ушбу ҳикмат маъносини:
Тоғларин отага қисс айташиб,
Фозиллар буюк сир очган эканлар,
Ўтмиш замоналарда бизни ўйлашиб,
Донюлик уругин сочган эканлар!..
Раҳим УМАРИЙ.



ТҮЙТЕПА ОБОД БЎЛМОҚДА

Утган йили Түйтепа шаҳар типидagi посёлкалар қаторидан ўрин олди. Бу шаҳар Совети ижроия комитети зиммасига янада катта вазифалар юклатди.

Ижроия комитетининг ободчилик бўйича доимий комиссияси аниқ план асосида намунави ишлар олиб борди. Хусусан, Ленин, Островский, Калинин номли кўчалар асфальтланди. Кўнгини маданий-маиший муассасалар атрофида гулзорлар ташкил этилди. Қабристонлар тартибга келтирилди.

— Утган йили, — дейди комиссия раиси Р. Байбосов, —

пландаги 10 минг сўмлик ўрнига 28 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунда доимий комиссия аъзоларидан Я. Хабаров, М. Камолитдинова, А. Бахтирозовлар фаоллик кўрсатди. Депутатлар аҳоли орасида тез-тез бўлиб, кўпроқ нимадир айтиб бериш кераклигини билан қилишди. Уларнинг нақаринини шаҳар Совети ижроия комитети етказди. Натижада сайловчилардан тушган нақарининг бажарилиш самарадорлиги ошди.

Утган йили бўлиб ўтган сессияда доимий комиссия фаолияти янада кўзга ташланди.

Айниқса унинг кўламазорлаштириш борасидаги иши қайта-қайта тилга олинди.

Бу йил депутатлар аҳоли ташаббусини кўчалар санитария ҳолатини яхшилаш, жамоатчилик кучи асосида чойхоналар қуриш, кўчаларга кундузи ёриткичлар ўрнатиш ишларига қаратадилар. Ижроия комитет бюджетидан ободончилик ишларига 19 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади.

Бу ишлар амалга ошгач, Түйтепа янада чирой очади.

М. ҲАҚИҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ТОШКЕНТ маданий оқартува техникумида кўпгина истеъодли ёшлар таълим олмоқда. Уларнинг назарий билимларини оширишда таърибали ўқитувчилар ўз хизматларини аямаётирлар. Музика сирларини кўзга етказишларига асосан ёшлардан яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунинг учун яқка дарс машғулотини ўтказиб, унда талабаларнинг маҳорати қандай ошаётганини синаб кўришмоқда, камчиликлари кўрсатиб беришди.

Суратда: ғижжак ўқитувчиси Саиджон Қаддобов (ўнгдан чапга) 1-маҳсуус музика гуруҳини талабаси Толибжон Саидов билан яқкадаре машғулотини ўтказмоқда.

А. Жураев фотоси.

ХАЛҚ ҲАШАРИ

Утган шанба ва якшанба кунлари шаҳар хабарлари гавжум бўлди. Корхоналарнинг меҳнаткашлари ва маҳаллаларнинг аҳолиси теварак-атрофини ободонлаштиргани, гул ва ниҳоллар ўтказиб янги бог-роғлар яратгани ёрдамга чиқди.

— Шанбалик ва якшанбаликда даяовлаш муассасалари

нинг ходимлари ҳам аниқ иштирок этмоқдалар, — дейди Собир Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Сафар Муроодов. — Утган якшанба кунини 665 шифокор ишдан бўш соатларини ҳашарчилар ёнида ўтказди. 10-шаҳар касалхонаси, 5-болалар санаторийси, 33-поликлиника ходимлари айниқса гайрат кўрсатиб меҳнат қи

лишди. Улар 3 минг туп гул, салкам минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари, деворбоп буталар ўтказдилар. Шифокорлар ёрдами билан касалхоналарнинг ҳовлилари ва ён атрофлари намунави ҳолга келтирилди.

Собир Раҳимов районнинг маҳаллаларида ва турар-жой минорайонларида ҳам баҳороти ишлар қизғин борапти. «Бирлик» маҳалласи аҳолиси якшанба кунини Кайковус кайиғини тозалаш қўйди. Бундан ташқари йилларда дарахт кўчатлари ўтказди. «Мевазор», «Ривок» каби маҳаллаларнинг вакиллари ҳам бу юмушни бажаришда

ўзларининг ҳиссаларини қўшдилар.

Район меҳнаткашларининг ҳиссаси билан бир кунги ҳашар давомида 10 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. 91 та автомашини кўчаларни тозалаш ва чиқиндиларни ташини билан банд бўлди.

Райондаги «Миконд», компрессор заводлари, қатор автобазаларнинг коллективлари ҳам ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Улар ҳиссаси билан қисқа вақт ичида 32 километрлик сув шохобчалари тартибга келтирилди. Студентлар шаҳарчасида янги ариқлар очилди.

Пойтахтимизнинг бошқа районида ҳам халқ ҳашари қизғин давом этмоқда. Ленин райони сановатчилари уюштирилган ҳашарларда айниқса актив қатнашмоқдалар. «Подъёмник», электротехника, химия-фармация заводаларининг ишчилари, политехника техникумининг талабалари, 16, 17, 34-турар-жой эксплуатация конторлари аҳолиси кунини билан шанба ва якшанба кунлари салкам 16 минг туп дарахт кўчатлари ўтказди. Қўлаб сув шохобчалари тартибга келтирилди.

Кўчатларни ташиб беришда ва тўпланган чиқиндиларни ташиб кетишда 125 та автомашини ёрдам берди.

Октябрь районида янги хабарлар очилди, мавқудларнинг кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ишчи ва хизматчилар ўз корхоналари ва ташкилотлари территориясида 72 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказди, янги гулзорлар ташкил этилди. Бундан бўён ҳам халқ ҳашарини давом эттириш лозим. Ҳашар кунлари ҳаммаёқ кўркамлаштириш, шаҳримиз ҳуснига ҳис қўшилипти.

М. ЗАРИПОВ.

Аҳоли хизматида

Ангрен шаҳрида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари кўпаймоқда. Кейинги йилнинг ўрда еттига янги павильон фойдаланишга топширилди. Уларнинг деярли ҳаммаси қўл қаватли уйланининг биринчи қаватига жойлашган. Ҳозирги павильонда шаҳарда олтинга икти-сослашган корхоналар, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати, «Техсложобитбор» участкалари, «Зангори элкан» тасвирчилик, автотранспортга хизмат кўрсатиш техника станцияси мавқуд.

Шаҳарликлар кўпроқ тикув машиналари ва уй-ўзғор буюмлари ремонтини, кийим ва пойабзал тикитиш, музика асбоблари ремонтини, юк ташини каби хизматлардан фойдаланишмоқдалар.

Кўмир разрезидида маиший хизмат кўрсатиш комбинати қайта реконструкция қилинди. Унинг кенг, ёруғ буносида кийим ва пойабзал ремонтини, кир ювиш цехи, сартарошхоналар бор.

Тўқизқизил шахта ишчилари илгари кийим буюртирини учун ишхонада уюшди жойлашган ательега борардилар. Эндиликда қўлақсизлик бартараф этилди. Ташкирбали кийим тикувчилар ҳар ҳафтада бир марта шаҳарликлар ҳузурида бўлишиб, улардан турли буюртмалар қабул қилиб оладилар.

Ф. ПЕТРОВ.

Спорт

ДЗЮ-ДО СПОРТИ ОММАВИЙЛАШМОҚДА

Дзю-до спорт республика мида энг кенжа спорт турларидан бири ҳисобланади. Лекин қисқа вақт ичида дзю-до муҳаббасари ҳам спортчиларнинг ўзлари ҳам шаҳар, област ва республика биринчиликлари ўтказилгудек бўлса уни катта қизиқини билан кузатишга бўлиб қолдилар.

«Комсомолец Узбекистана» газетаси соврини учун Тошкентдаги «Старт» стадионида ўтказилган Бутунитифок турнирида РСФСР, Украина, Грузия, Арманистон ва Ўрта Осиё республикаларининг кучли саккизта команди бешлашди. Ўзбекистон давлат физкультура институтини студенти Худобов билан «Старт» спорт клуби вакили Филин ўз вақтларида барча учрашуларда галабага эришиб, биринчи совринли ўринларини эгаллашди. Бу мусобақада республикамиз спортчиларидан 4 киши биринчи марта СССР спорт мастери нормативини бажарганини қувонч билан айтиб ўтиш керак. Энди дзю-до спортини бўйича республикамиз спортчилари ўз мастерларига эрта.

РИНГДА БОКСЧИЛАР

Ижевскининг «Ижевсксталь» спорт клубида бокс бўйича навбатдаги мамлакат 40-чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Бу биринчиликда республикамизнинг чарм қўлқон устаслари ҳам қатнашмоқдалар. Абдулла Қодирхонов билан Вячеслав Александров биринчи турда галабага эришиб, мусобақанинг навбатдаги боксчида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Савелов, Эгембердиев ва Александр Анфимовлар эса биринчи турда ютқазиб қўйишди.

ЖАМИЯТНИНГ БЕШ ЧЕМПИОНИ

«Динамо» кўнгилда спорт жамияти биринчилиги учун ўтказилган боксчилар мусобақаси ниҳоятда етди. Мусобақада қатнашган ўспиринларнинг қўлини ажиб ўйинлар кўрсатишди. Учрашуларда муваффақиятли қатнашган С. Мавлохжасов, В. Ахмедов, М. Бельов, С. Мальцев ва О. Борисов назми категориялари бўйича «Динамо» жамияти Ўзбекистон Совети чемпиони деган номга сазовор бўдилар.

ТЕННИСЧИЛАР БИРИНЧИЛИГИ

Қўвонда республика ёш теннисчиларининг Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари старти олди. Мусобақаларда тошкентлик умишли спортчилар ҳам иштирок этмоқдалар. Улар орасида мастерликка кандидатлар Л. Гречкин, Н. Журавлева, Р. Қодиров ва Ф. Булатовлар бор. Мусобақалар март ойининг охирида якунланади.

ДУНЁ ОВОЗИ

Чет эл хабарлари

ЖАЗАВАЛИ МУҲИТ ТАҚРОРЛАНМОҚДА

БАРШАВА, 26 март. (ТАСС). «Хитой устида» маданий революциянинг дастлабки ойларидаги муҳитни эслатувчи заҳарли сиёсий қўланса худ яна пайдо бўлди. 1966—1969 йиллардаги жазавали муҳит учун жуда хос бўлган қўриқини ва дағдаға солишини таҳликали ва даҳшатли муҳитни яна ҳукмрон бўлиб олди, — деб ёзади «Тигодник демократия» ҳафталик газетаси ўзининг Хитойдаги аҳолга бағишланган мақолисида.

«Линь» Бяо билан Конфуцийни танқид қилиш деб аталган машааша, — дейилди мақолада. — Мао Цзэ-Дуннинг йўлини ва унинг концепцияларини

ни оқлаш учун бир баҳона бўлиб хизмат қилмоқда, холос. Унинг концепциялари Хитой бошига фончалли оқибатлар солган «катта сакраш»ни, бу қадар катта мамлакатда тартибсизлик чиқарган ва неча минглаб кишиларнинг қўриқини бўлиб қолган «маданий революция»ни келтириб чиқарди. Бундан гап кейинги 15 йил мобайнида икитмоний, икитсон ва сиёсий соҳаларда чўчур ларзаларни бошлаб юборган ва мамлакатни таҳликали ички танглик ҳолатига келтириб қўйган йўлни ҳимоя қилиш тўғрисида борапти.

Мао Цзэ-Дуннинг концепциялари, деб ёзади «сунгра газета»,

мамлакат ривожини тўхтатиб қўйди, эскилик сарқити бўлиб қолди ва Хитойнинг ривожланишга эҳтиёжларига аид келадиган бир нарсатга айланди. Политгонлардаги бамисоли қўриқиндек териб қўйилган атом бомбалари Хитойнинг икитсоний потенциалини белгиламайди, балки бехисоб молиявий маблағларини ўз домига тортаётган ва энг яхши техникавий надрларини банд қилиб қўйган ҳарбий сановат билан халқ ҳужалигининг ўз кучларигагина умид боғлашга мажбур бўлган бошқа граждон тармоқлари ўртасидаги номунасонблик нақадар катта эканлигини кўрсатади.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ДЕХЛИ, 25 март. (ТАСС). Шаҳарларда ва районларда уй-жой қурилишини ривожлантириш давлат корпорациясининг оу ерда бўлиб ўтган кенгашида давлат маблағларидан 40 миллион рупияни Агр, Мурат, Ланна, Мадорас, Хугли, Каттак ва Хиндистоннинг бошқа шаҳарларида уй-жой қурилишининг бир неча лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратиб тўғрисида қарор қабул қилинди. Ана шу маблағларга меҳнаткашлар узун 2000 дан ортиқ арзон уйлар қуриб берилад. Ҳозирги вақтда марказий ҳукуматнинг молиявий ёрдами билан Керала, Тамилнаду, Уттар-Прадеш ва бошқа штатларнинг ҳукуматлари ишлаб чиққан уй-жой қурилишининг қўлини лойиҳалари амалга оширилмоқда.

УГАНДАДАГИ ВАЗИЯТ

КАМПАЛА, 25 март. (ТАСС). Шанба кунинда якшанба кунига ўтар кечаси Уганда пойтахтида миллий ва пулемётлардан узилган ўқ садолари аҳолининг ўқусини бузган эди. Энди пойтахтда ошпаштилик қарор топти. Армия қисмлари ўз назар-маларида қайтиб келишди.


Уганда радиосининг хабар беришича, армия қисмларида «пойтахтни босиб олиш ва ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида ташқаридан ҳужум қилиш ҳаффи борлиги» тўғрисида бўлмағур овозлар тарқатилгани натижасида Кампалада ташвишли вазият рўй берган.

Радио яна қўйилганларини хабар қилди: бригада генерали Чарльз Арубе ташвишли хабарларни тарқатишда ташаббус кўрсатди, деб таъкидламоқда. Чарльз Арубе ўзини-ўзи ўлдирган.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ОПЕРАЦИЯЛАР

АДАН, 25 март. (ТАСС). Уммонин ва Эрон қўфазини овоз қилиш халқ фронти вакили бундай деди: бу фронтнинг отрядлари шу йил 2 мартдан 20 мартгача Уммон султони Кабус қўшинлари ва унга ёлланган кишиларга қарши бир қанча муваффақиятли операция ўтказдилар.

Ассосан Дофарнинг марказий ва шарқий районларида ўтказилган жанглар давомида душманининг 37 солдат ва офицери ўлдирилди ва ярадор қилинди, уч позиция ва ҳарбий техника ҳамда ҳарбий анжонларнинг талайгина қисми яқсон қилинди.



ЭЙФЕЛЬ минораси. Франция пойтахтининг қиёфасини мазкур минорасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Олдида эса замонавий, осмонўпар маъмурий биноларни қуриб турибсиз.

Камера Пресс — ТАСС фотоси.

ЖАЗОИР—ФРАНЦИЯ АХБОРОТИ

ЖАЗОИР, 25 март. (ТАСС). Жазоир билан Франция ўрта деңгиз районида тинчликни сақлаб қолиш муҳим эканлигини таъкидлашди. дейилди Жазоир—Франция қўшма ахборотида. Бу ахборот Франция ташқи ишлар министри М. Жобернинг Жазоир Халқ Демократик Республикасида расмий визити давом бўлганидан кейин эълон қилинди. Томонлар ўрта деңгиз тинчлик деңгизига айлантириш мақсадида маслаҳатлашиб туришни давом эттиришга қарор қилдилар.

ТАНЮГ АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

БЕЛГРАД, 25 март. (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги хабар беради: Югославия Иттифоқи ижроия вачеси Италия ҳукуматининг ЮСФР ҳукуматига юборган нотаси мусобақати билан Югославия ва Италия ўртасидаги мусобақатларнинг ҳозирги аҳолини қараб чиқди. Расмий ахборотда айтиладики, бу нотада Италия ҳукумати Югославиянинг суверенитетини «б» зонаси сифатида белгилаган, собиқ Триест өрини территориясига нисбатан ҳеч қачон жорий этилган эмас, дейди.

«Югославияга қарашли территорияни Италияники, деб билираётган бу гапга, — дейилди яна ахборотда, — Иттифоқ ижроия вачеси ЮСФРнинг суверенитетига ҳамда территориял бутунлигига нисбатан қилинган очикдан-очик сунқасд. Югославия — Италия чегарасини аниқ белгиловчи мавжуд битимларни бузишга қўлол уриниш, деб баҳо беради».

Реакциянинг кирдиорлари

ДЕХЛИ, 25 март. (ТАСС). Хиндистоннинг Биҳар штатида вазият ҳамон кескин. Штатнинг 13 шаҳрида комендантлик соати жорий этилган. Транспорт мунтазам қатнамапти. Бир қанча жойларда гаула омборлари ўт қўйилди. Полиция ва армия бўлинмалари штатнинг бир қанча шаҳарларида соқчиллик қилиб юришибди.

Унг реакцияон партиялар ва ташкилотлар уюштирган тартибсизлик Биҳарда вазиятнинг жуда мураккаблаштирди. Штатнинг бош шаҳри Патнада олтин кундан бери магазинлар ёпилган, давлат муассасалари нормал ишламапти.

Унг партиялар ва аввало «Иана сангх» партияси гаула-енлар ва тартибсизликлар уюштириш ёрдамида ўзининг гаразли мақсадларига эришмоқчи бўлиб мамлакатнинг бошқа штатларида ҳам худди шундай тартибсизликлар белгилаб чиқаришга уринмоқда. «Иана сангх» партиясининг бир гўруҳ активлари Деҳли темир йўл станциясида поездалар қатновини ҳамда юк ортин-тутириш ишларини тўхтатиб қўйишга уриндилар. Шу партия Бомбайда ва бошқа шаҳарларда ҳам шунга ўхшаш ҳаракатларни уюштирди. Унг кучларнинг активлашганига Хиндистон жамоатчилигини тобора ташвишга солимоқда.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама

ВА Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.40 — ТОШКЕНТ. 18.50 — «Орзу» программаси. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Миллолар даяовига университет. 19.50 — «Еллик» студияси кўрсатади. 20.10 — Ўн минут музика. 20.20 — «Ахборот». 20.40 — «ОЛТИН ВОДИЙ». 22.00 — «Вакт». 22.30 — Янговар атеизм. 22.50 — Музика ва ҳаёт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Виз ёш табиатушларини. 10.30 — Устаси фаранглар шахри (бадний фильм). 18.40 — МОСКВА. 19.10 — Янгиликлар. 19.20 — Телефильм. 19.45 — СССР Фанлар ака. демисининг мухбир аъзоси В. Г. Африканцев телемошобабини саволларига жавоб беради. 20.15 — Кечки. 20.45 — Халқаро театр кўрсати. 22.00 — ТОШКЕНТ. Юсуф Шомансур (адабий кўрсату). 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Шаҳримиз озодалиги ва гузаллиги учун. 19.30 — Ёшув кўрсатуви. 20.10 — Стадионда учра. шамиз (бадний фильм).

ТЕАТР

НАВОИЯ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/III да Ули мавлик ва етти баҳор ханчада эртан (кундузи), Коңерт (кечкурун, билетлар сотилган), 29/III да Этик кийган мушун.

ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/III да Ичкилоб тоғи (кундузи), Бой ила хизматчи (кечкурун), 28/III да Йўлқан узук (кундузи) ва кечкурун, 29/III да Абу Райхон Беруний (кундузи), Оқшомдан тушганча (кечкурун).

МУҲИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/III да Хонума хоним (кундузи), Умарлар (кечкурун), 28/III да Хижрон (кундузи), Аноб савдолар (кечкурун), 29/III да Навоий Астробода (кундузи), Хотинининг эри (кечкурун).

КИНО

Ҳаёт манбаи — САНЪАТ САРОНИ, «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).

Россия салтанатининг тоғи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (10.00).

Кеч севганмисиз...? — БИЛИМЛАР УНИ (12.00, 15.00, 18.00).

Ноҳабегим — «ДРУЖБА» (куфит соатларида, кундуз ва кечкурун).

Крепостной актриса — «МОСКВА» (11.30, 18.45).

ТОШКЕНТ САЕХАТ ВА ЭКСКУРСИЯ БЮРОСИ «ЎЗБЕКИСТОН» ТУРИСТИК ПОЕЗДИДА

22 АПРЕЛДАН 13 МАЙГАЧА

«ТОШКЕНТ-ЧОРКУС» — ВОЛГОГРАД — ПЯТИГОРСКИЙ — ЕРЕВАН — ТБИЛИСИ — БАТУМИ — СУХУМИ — ТАГРА — АДЖА — ТОШКЕНТ

Маршрути бўйича

Купейный вагонда «Фориб-келчи», шаҳарлардаги экскурсиялар, вагон-ресторанда ояналган билан биргаликда путёвка нархи — 210 сўм.

1 МАЙДАН 6 МАЙГАЧА

9 МАЙДАН 13 МАЙГАЧА

САМОЛЕТДА «МОСКВА—БАЙРАМ КУНЛАРИДА» САЕХАТИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Москва шаҳридаги марказий меҳмонхоналардан бирида турилади.

АРИЗАЛАР — 10 АПРЕЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкент сабаҳат ва экскурсия бюроси шунингдек Совет Иттифоқининг шаҳарлари бўйича самолёт сабаҳатлари путёвчаларига эга.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-61, Т. Шевченко кўчаси, 44-уй, телефон 320972.

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича тоғари.

Ўқини муддати — 1-2 йил. 14-15 ёшдагилар қабул қилинади.

Ингувчи-слесарь. Ўқини муддати — 1 йил. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Электр пайвандчилар ва электр ишчилари иран машинист. Ўқини муддати — 1 йил. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Ўқувчиларга стипендия берилади. 8-10 синф дахмида маълумотлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар беш оғатокхона, 3 маҳал иссиқ ояват ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқини даври иш стажига қўшилиди.

Кирувчилар қуйдаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, таржиман ҳол, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки асосий турар жойдан справка, 6 дюйм фотосурат (3х4 см. ҳақида), характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 АПРЕЛДА ВА 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-52, Солиқов кўчаси, 15-уй (4, 5 троллейбуслар ва 21-автобуснинг «Экскаватор заводи» бекати).

Тошкент халқ ҳужалиги институтининг ректорати, партия ва насоба союз ташкилотлари илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси Г. А. Рафиқовга отаси

Абдулхакб ота РАФИКОВнинг вафот этганини мусобақати билан чуқур таъзия изҳор қилдилар.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммутиатор — 330249 дав 330258 гача